ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОСИ

# ИЖАРАЧИ БОЛ БЕРАДИ

Бойсун районидаги асаларичиликка ихтисослашган Ҳамза номли совхозда ўтган йили асалари уялари ишчиларга ижарага берилди. Дастлаб янгича шароитда меҳнат қилишга ўтиш осон бўлмади. Айниқса, нарх масаласида бирмунча тортишувлар, келишмовчиликлар юз берди. Совхоз раҳбарлари, мутахассислари ишчиларга янгича иш юритиш шароитларини, ижарачилик қонун-қоидаларини тушунтиришди.

Хўжаликда бирин-кетин ихтиёрий равишда ижарачилар коллективи пайдо бўла бошлади. 65 нафар ижарачи совхоз дирекцияси билан шартнома тузди.

Ижара ишсизлик муаммосини ҳал этишга ёрдам берди. Хотин-қизларнинг кўпчилиги иш билан таъминланди. Улар эрлари, ака-укалари, оталари билан асалари парваришига киришдилар.

Совхоз дирекцияси шартномага асосан ижарачиларга зарур техника ажратди. Дори-дармонлар, ҳар хил инвентарлар билан таъминлади.

Май ойида бўлиб ўтган совуқ деҳқону сабзавоткорлар қатори асаларичиларни ҳам синовдан ўтказди. Кутилмаган сел, ёмғир, қор ижарачиларни шоshириб қўйди. Уларнинг ташвишига ташвиш қўшилди. Асалари озиқланиши учун зарур бўлган турфа гуллар совуқдан тўкилиб кетди. Изғирин, аччиқ шамол асаларининг бир қисмини қириб юборди. Ижарачилар мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, асалариларни яхши парваришлаш учун ҳамма чорани кўришди. Совхоз раҳбарлари Фарғонадан 300 оила асалари келтириб ижарачиларга тарқатишди. Бундан ташқари, ижарачиларнинг ўзлари ҳам янги асалари оилаларини кўпайтирдилар. Қийинчиликларга қарамай йиллик план ошириб бажарилди. Жами 90 тонна асал ишлаб чиқарилди. Асал етиштириш 1988 йилга нисбатан 6 тоннага кўпайди.

Маҳсулдорлик ортди. Масалан, 1988 йили ҳар оила асаларидан 16,5 килограммдан асал олинган бўлса, бултур бу кўрсаткич 21,3 килограммни ташкил этди. Бунинг асосий омилларидан бири отарлар сони кўпайтирилганидир. Ютуқлар ижарачиларнинг иш ҳақига ҳам ўзгариш киритди. 1988 йилда асаларичиларга жами 177 минг сўм берилган бўлса, ўтган йили улар 236 минг сўм даромад олишди. Ҳар бир ижарачининг ойлик маоши ўртача 226 сўмга тўғри келди. Бу 1988 йилгидан 111 сўмга кўпдир. Совхоз хазинасига барча харажатлардан ташқари 122 минг сўм фойда қолди.

Ижара пудратининг фойдаси фақат шугина эмас. У яхши ишлайдиганларнинг меҳнатини барчага намоён қилиб қўйди. Масалан, Хурсанд Хуррамов бошлиқ ижарачилар совхоз бўйича энг юқори натижага эришишди. Шартномага кўра улар 2,4 тонна ёки 6.240 сўмлик бол етиштиришлари керак эди. Амалда эса 4,6 тонна ёки 13.626 сўмлик асал тайёрлашди. Улар асалари маҳсулдорлигини оширишда ҳам юқори натижага эришдилар.

Баъзи коллективлар пландагидан сал ортиқча маҳсулот етиштириб харажатларни ошириб юборадилар. Сабабини сўрасангиз, маҳсулотни кўп етиштирдик, дейишади. Хурсанд ака бошлиқ коллектив эса харажатларини оширмаган ҳолда мўл маҳсулот етиштирди. Ҳозирги кунда кўплар ютуқ сирини билиш, тажриба ўрганиш учун Хурсанд Хуррамовнинг олдига маслаҳатга келишмоқда. Ижарачилар пландан ортиқча топширилган ҳар килограмм асал учун 3 сўм 20 тийиндан ҳақ олишди.

— Асалари парвариши учун ниҳоятда қулай жой танлаш муҳим, —дейди Хурсанд ака. — Ҳар йили асалари оилаларини гулли экинлар кўпроқ жойга кўчирамиз. Асалари кушандаларига қарши курашамиз. Қиш ойларида яшикларга кўпроқ асал қолдирамиз. Баъзиларнинг кўзи қиймай асални кам қолдиришади. Кейин эса асаларига фақат шакарни суюлтириб беришга мажбур бўлишади. Шакар билан озиқланиб қишловдан чиққан асалари эса анча вақтгача ўзини ўнглаб ололмайди. Маҳсулдорлиги пасайиб кетади.

Совхоз мутахассислари билан суҳбатлашсангиз, Норқул Имомов бошлиқ ижарачилар тўғрисида ҳам илиқ гапларни эшитасиз. Норқул ака бултур ўғли Хайрулла билан 110 оила асалари парваришлаб, 2.200 килограмм ўрнига 3.891 килограмм бол етиштирди. Улар ҳар оила асаларидан 20 ўрнига 35,3 килограммдан асал олишди. Умуман ота-бола ижарачиларнинг йиллик даромади 8.772 сўмни ташкил этди. Қудрат Абдуллаев, Собир Шоймқулов бошлиқ ижарачилар бригадаси коллективи ҳамда Жўрақул Хурсандов, Насрулла Тиллаев, Ҳасан ва Ҳусан Хўжақулов каби ижарачилар ҳам совхоз меҳнаткашларининг муваффақиятига муносиб ҳисса қўшдилар.

Сўнгги пайтда ишлаб чиқаришга бир қатор янгиликлар жорий этилди. Совхоз меҳнаткашлари дастлаб оила ва коллектив пудрати, сўнг чек асосида меҳнат қилдилар. Аммо улар бир йиллик меҳнат фаолиятларида ижара пудратининг ҳар томонлама афзаллигини амалда синашди. Бундан ташқари ижара одамларни уддабуронликка ҳам ўргатди.

Ижарачилар жорий йилда 85 тонна асал етиштириш ҳамда минг оила асалари ажратишга аҳд қилишган.

Хўжаликда ечимини кутаётган муаммолар ҳам бир талай. Шуни айтиш керакки, хўжалик асаларичиликка ихтисослаштирилгани билан соҳани янада ривожлантиришга имконият етарли эмас. Совхоз меҳнаткашлари асал етиштиришни янада кўпайтиришни хоҳлайдилар. Асосий муаммо — ер кам. Асалари озиқланиши учун айниқса ғўза, беда, янтоқ, жинжак, кунгабоқар ва ҳар хил мевали дарахтларнинг гуллари жуда зарур. Совхоз ери катта эмас. Ғўза ва бошқа ҳар хил экинлар экилмайди. Ҳар-ҳар жойда дарахтлар бор, улар ҳам кеч гуллайди ва тезда гули тўкилиб кетади. Хўжалик территориясида асалариларни фақат март-апрель ойларигача парвариш қилиш мумкин. Кейин асалари учун зарур гул чанги, шира қолмайди. Қисқаси, асалари атрофдаги гуллардан қониқиб озиқланолмайди.

Май ойидаёқ Жарқўрғон райони территориясидаги асаларичилар бол ола бошлашади. Чунки у ерда кунлар тез исийди ва асалари озиқланиши учун гуллар кўп. Жарқўрғон райони атрофидаги асаларичилар май ойида бир марта асал олган пайтда Ҳамза номли совхоз ижарачилари то 15 июнгача асалариларга шакар бериш билан андармон бўлишади. Шунинг учун совхоз территориясидан асалари уялари кўчирилмаса, ижарачилар планини бажара олишмайди. Ҳар йили кунлар исий бошлаши билан совхоз асаларичилари бошқа хўжалик ва районларга кўчиб боришади.

Совхоз меҳнаткашлари июнь ойининг ўрталаридан то октябрнинг охирларигача Ленин йўли райони ҳамда Бойсун районидаги «Дарбанд» совхози территориясида асалари парвариш қилишади. Бироқ уларни бошқа хўжаликларнинг раҳбарлари унчалик хушлашмайди.

— Ўтган йили асалари уяларини «Дарбанд» совхози территориясига кўчирдик, — дейди ижарачи Ҳусан Хўжақулов. — Совхоз мутахассислари келиб асаларингни кўтар, олмамизнинг гулини еб кетаяпти, деб бизни қўймади. Яхшиям бригадиримиз Қудрат Абдуллаев бор экан, у орага тушиб уларни юпатди. Бўлмасам асаларини қаерга олиб боришни билмай саргардон бўлардик. Худди шундай ҳол Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозда ҳам бўлди.

Совхозда Насрулла Тиллаевни кўпчилик яхши танийди, ҳурмат қилади. Насрулла ёш, аммо тажрибали асаларичилардан. Ҳар нарсага қизиқувчан йигит. Ўз соҳасига доир китобларни, журналларни қизиқиб ўқийди. Газеталарнинг ҳар бир сонини мунтазам кузатиб боради.

— Айниқса, ««Пчеловодство» журналини яхши кўраман, — дейди Насрулла. — Асаларичиликка доир ҳар хил маълумотларни шундан билиб бораман. Унда ёзилишича, Россиядаги деҳқончилик билан шуғулланадиган хўжаликлар асаларичиликка ихтисослашган совхозлар билан шартнома тузаркан. Негаки, асалари экинлар гулини чанглатади. Асалариларини кўчириб олиб боргани учун асаларичилик хўжалиги ҳам қуруқ қолмас экан. Уларга йил охирида деҳқончилик билан шуғулланувчи хўжаликлар олган даромаднинг бир процентини ўтказади. Бизда эса бунинг акси. Майли, бизга Ленин йўли райони хўжаликлари қилган даромадларидан бир тийин ҳам беришмасин. Фақат асалариларимизни ерларига жойлаштиришга рухсат беришса, асалари олмамизнинг гулини еб кетади, деб жанжал қилишмаса бас.

Асалари парвариши бир қарашда осон туюлса ҳам ўзига яраша ташвиши бор. Асаларичи ҳам худди пахтакор сингари ёз бўйи иссиқда меҳнат қилади. Деҳқон кечаси уйига бориб дам олади. Лекин асаларичилар эса тўрт-беш ой туну кун асалари атрофида парвона. Шу пайтда уларга дам оладиган жой зарур. Ҳар бир асаларичининг мато палаткаси бор. Лекин нархи 95—154 сўмгача бўлган бу палаткалар узоғи билан бир-икки йил дош беради. Сўнг қуёшнинг тиғида йиртилиб кетади. Шунинг учун асаларичиларга ёғочдан ясалган оддий ва ихчам дам олиш хоналари қуриб бериш керак. Асаларичилар бу ҳақда бир неча марта совхоз раҳбарларига айтишган бўлсалар-да, ҳозирча амалий иш қилинганича йўқ.

Асалнинг шифобахшлигини ҳамма яхши билади. Лекин бу маҳсулотнинг давлат харид нархи ижарачиларни қониқтирмаяпти. Магазинларда оддий карамель ва конфетларнинг баҳоси 2,5—3 сўм, баъзилари ундан ҳам қиммат. Шоколадлар борки, нархи 6—7 сўм. Лекин асалнинг давлат харид нархи эса 3 сўм 20 тийин. Албатта, асални истеъмол қилган киши асал билан конфету шоколадлар орасида катта фарқ борлигини билади. Шундай экан, шифобахш хусусиятга эга бўлган асалнинг харид нархини ошириш керак.

— Ижара пудрати одамларни мустақилликка ўргатаяпти. Мустақиллик яхши нарса, — дейди совхоз бош иқтисодчиси Баҳодир Қодиров. — Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонунда ҳар бир хўжалик ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни қаерга сотишни мустақил ҳал этади, дейилган. Лекин бизда бундай бўлмаяпти. Ишлаб чиқараётган асалимизга ҳали ҳам ўзимиз эгалик қилолмаяпмиз. Юқоридан туриб фалон ташкилотга асал топширасан, дея буйруқ беришади. Масалан, шу йилдан бошлаб область мева-сабзавот ишлаб чиқариш бирлашмасининг яқиндагина ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги ташкилотига ҳам 10 тоннадан ошиқроқ асал топширишимиз шарт. Ахир хўжаликларга қачон чинакам мустақиллик берилади? Ишлаб чиқарган маҳсулотимизга ўзимиз хўжайин бўлсак, уни ўзимиз сотсак, даромадимиз ортарди. Демакки, совхозимиз меҳнаткашларининг фаровонлиги ошарди, турмуши янада яхшиланарди...

Ҳа, Ҳамза номли совхоз меҳнаткашлари соҳани ривожлантириш, асал етиштиришни кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилишаяпти. Фақат муаммолар тезроқ ҳал этилса бас.

**У. НОРМАТОВ.**

АТРОФ МУҲИТИ: муаммо, ечим

# ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

Бу ачинарли, аммо рўй бераётган ҳол. Самарқанд областида атроф муҳитини муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда суст ҳал этилмоқда. Бунинг оқибатида экологик вазият кейинги уч йил мобайнида яхшиланмади.

Область экин майдонларининг асосий оби ҳаёт манбаи — Зарафшон дарёси Анзоб кон бойитиш комбинати ва Тожикистон ССР шаҳарларидан чиқаётган оқова билан мазкур республика ерларидаёқ ифлосланмоқда. Лаборатория назорати маълумотларига қараганда, 1989 йилнинг биринчи ярмида дарё сувида $БПК_5$ миқдори ҳар литрга 3,3—4,8 миллиграммдан тўғри келади. Бу йўл қўйиладиган нормадан анча юқоридир.

Сиёб оқими (Самарқанддан чиққан оқовалар унга тушади) ва Чиғаноқ зовури (Каттақўрғон чиқиндиларини қабул қилади) сув сифатига салбий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаш лозим. Ўтган йилнинг биринчи ярмида Сиёб ариғида $БПК_2$нинг кислородни истеъмол қилиши ҳар литрга 6,5—9,8 миллиграммни, Чиғаноқ зовурида эса 16,6—24,8 миллиграммни ташкил этди. Бу ҳам белгиланган нормадан анча ортиқдир. Самарқанд шаҳридаги тозалаш иншоотлари 1,5 ҳисса иш бажаришини, Каттақўрғонда эса уларни қуриш бундан 12 йил муқаддам бошланиб, ҳамон судралиб келаётганини ҳисобга олсак, шундай бўлиши табиийдир. Областнинг бошқа шаҳарлари ва районларида бундай иншоотлар умуман йўқ.

Булунғур вино заводи, Красногвардейск вино комбинати, Булунғур район матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли бўрдоқичилик базаси, Килдон консерва заводи, Жомбой гўшт, дон маҳсулотлари, Самарқанд шаҳридаги 6-дон маҳсулотлари комбинатлари, «Самводстройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд кўнчилик заводи ва автостанцияси, яна қанчадан-қанча корхоналар атроф муҳитини ифлослантириш манбаларидир.

Жомбой, Оқдарё, Иштихон, Каттақўрғон районларидаги йирик чорвачилик комплекслари, Булунғур районидаги «Россия» чўчқачилик, Жомбой районидаги «Ғалабанинг 30 йиллиги», Паст Дарғом районидаги Ильич номли, Каттақўрғон районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозлари, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг Самарқанд районидаги ўқув хўжалиги, Булунғур, Самарқанд район матлубот жамияти уюшмалари, Каттақўрғон район умумий овқатланиш трестининг ёрдамчи хўжаликлари Зарафшон дарёсига зарар етказмоқда. Область хўжаликларидаги қатор сут-товар фермалари кичик дарёларнинг санитария зоналарида жойлашган. Жомбой районидаги «Жомбой», «Партия XXV съезди» совхозлари, «Москва» колхози, Самарқанд районидаги Энгельс номли колхознинг сут-товар фермаси, Улуғбек номли совхознинг чўчқачилик базаси, Оқдарё районидаги Энгельс номли, Хатирчи районидаги «Коммунизм» колхозлари, «Зарафшон», Паст Дарғом районидаги Ленин номли совхозлар ана шулар жумласидандир.

Областда заҳарли дорилар сақланадиган 120 омбордан 57 тасигина типовой ёки мослаштирилган ҳисобланади. Қолганлари эса ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Омборларда идишлар кўп миқдорда тўпланиб қолган. Шундай бир пайтда Советобод районининг Сазоғон посёлкасидаги ремонтталаб ўра кўмиб қўйилган.

Областнинг барча шаҳарлари ва район марказларида талаб даражасидаги ахлатхоналарнинг йўқлиги Зарафшон дарёсига офат келтирмоқда. Чиқиндилар дарё ва сув ҳавзалари қирғоғида рўпара келган ерга ташланмоқда.

Самарқанд шаҳрида ахлатни қайта ишлайдиган завод қурилиши 1985 йилда бошланган эди. Бу иш дастлаб тўхтатиб қўйилди. 1989 йилда қайта бошланган бўлса-да, унга 410 минг сўм маблағ ажратилди, холос.

Ҳозирги вақтда областда 73 та тозалаш иншооти фаолият кўрсатаяпти. Аммо уларнинг 46 тасигина самарали ишламоқда.

Областда Зарафшон дарёси ҳалига қадар санитария зонаси сифатида қонунлаштирилгани йўқ. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бу муҳим тадбирни амалга ошириш учун етарли маблағ ажратмаяпти.

Областда сувни муҳофаза қилиш иншоотларини қуриш ҳам ёмон аҳволда. 1986 йилда бу соҳадаги план 59 фоиз, 1989 йилда 66,6, 1988 йилда 59 фоиз адо этилди, холос. 1989 йилнинг биринчи ярмида ҳам аҳвол яхшиланмади. Ниҳоясига етган объектларда камчиликлар кўп.

Шуни таъкидлаш зарурки, мавжуд қонунларда қурилиш планини бажармаганлик учун жарималар солиш кўзда тутилмайди. Аммо табиатни муҳофаза қилиш область комитети ходимлари томонидан чидаб бўлмайдиган ишларни прокуратура органларига ўтказиб бериш иши қўлланилаётир. Масалан, 1989 йилда Даҳбет посёлкасида қурилиши мана ўн беш йилдан буён давом этаётган қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг тозалаш иншоотига доир маълумотлар прокуратурага тақдим этилди.

Ўзбекистон ССР сув кодексини бузиш ҳоллари бўйича корхона ва ташкилотларга ёзма буйруқлар юборилмоқда. 1989 йилнинг биринчи ярмидаёқ 346 та объект текширилиб, 1.384 та фармойиш жўнатилди, қоида бузилганлиги учун 57 та акт тузилиб, 2.640 сўм миқдорида жарима солинди.

Бундан ташқари 1989 йилда атроф муҳитини булғантираётган тўққиз объектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатиш юзасидан қарор қабул қилинди. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилмаганлиги учун ишлаб чиқариш якунларига қараб 25 мансабдор киши мукофотлардан маҳрум этилди, икки ходимнинг иши прокуратурага оширилди. Ўтган йили сув ҳавзаларига ифлос чиқиндилар оқизилиб, етказилган зарарни қоплаш учун Каттақўрғон шаҳридаги «Хлопкомаш» заводига 5,9 минг сўм, Самарқанд кимё заводига жами 200 минг сўмлик даъво қўзғатилди.

Область шаҳарларида ҳавони муҳофаза қилиш масаласи кескин бўлиб турибди. 1988 йилда саноат корхоналари чиқиндисининг умумий ҳажми 20.420 минг тоннага етди. Бу йил ҳам ҳавонинг ифлосланиши юксак даражада қолмоқда. Чангнинг бир кеча-кундузда йўл қўйиб бериладиган ўртача йиғилиш даражаси 2,5 ҳисса юқори. «Красний двигатель», кимё, «Каноп», нахта тозалаш заводлари, «Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Самводстройинду с т р и я», Каттақўрғон ёғ-мой, СССР Транспорт министрлигига қарашли саноат корхоналари ҳавони булғантириш манбалари ҳисобланади. Давлат ва шахсий автомобиллар ҳам атроф муҳитини ифлослантирмоқда.

Ҳозирги кунда областда 491 та чанг-газ ютгич мавжуд. Афсуски, улардан 154 таси самарали ишламаяпти.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги экологик вазиятни соғломлаштириш учун лойиҳалаш-қидирув ишларини маблағ билан таъминлаш масаласини ҳал этишлари лозим. Бундан мақсад кичик дарёларнинг санитария зоналарини аниқлаш, соҳил бўйи минтақаларини давлат ихтиёрига ўтказиш, шунингдек ифлослантирувчи объектларни санитария зоналаридан ажратиш тадбирларини ишлаб чиқишдир. Зарафшон дарёси ҳавзасини ҳаводан туриб суратга олишни ҳам ўтказиш даркор.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети барча сут-товар фермалари, чорвачилик комплекслари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сақланадиган омборларни кичик дарёларнинг санитария зоналаридан кўчириши, Жомбой районидаги «Ғалабанинг 30 йиллиги» совхозини қайта ихтисослаштириши, сут-товар фермалари учун типовой гўнгхоналар қуришга зарур маблағ ажратиши даркор.

Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг бўлинмалари билан келишилган ҳолда заҳарли дорилар ва минерал ўғитлар сақланадиган типовой омборлар қуриш билан жиддий шуғулланиладиган пайт келди. Бу мақсадларда ишлатилаётган мавжуд барча бостирмаларни йўқ қилиш лозим.

Қисқаси, областда экологик вазиятни тубдан яхшилаш учун яқин йилларда ҳаётга татбиқ этиш лозим бўлган муаммолар кўп. Уларни тез ва узил-кесил ҳал этиш аҳволни яхшилашга имкон бериши шубҳасиздир.

**А. БАҲРОМОВ,**
**Самарқанд область табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси.**





**Андижон области марказида ичимлик сув кўп йиллардан бери муаммо бўлиб келмоқда. Буни бартараф этиш мақсадида Андижон денгизидан қувурлар тортилаяпти. «Узтрансспецстрой» трестига қарашли ихтисослашган бошқарма азаматлари ҳозиргача 30 километрдаги ишларни ниҳоясига етказишди. Юрий Любавин бошлиқ бригада ўзаро социалистик мусобақада олдинги сафда бориб, ҳар бир ишни тез ва соз адо этмоқда. Жамоатчи мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган суратларда пешқадам ишчи Комил Арзибоевни ва улкан қувурлар бир-бирига пайванд қилинаётган лаҳзани кўриб турибсиз.**

## ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

### КИМ ОШДИ САВДОСИ

ПЕКИН. **ТАСС мухбири Вячеслав Томилин хабар беради:** Пекин ким ошди савдоси бозорида бўлган оммавий савдода рангли телевизорлар ва видеомагнитофонлар, фотоаппаратлар ва энг замонавий кийим-кечаклар — жами 200 номдаги харидоргир маҳсулотлар сотилди. Фақат Хитой пойтахтидагина эмас, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам тез оммалашиб бораётган илгариги ким ошди савдоларидан фарқ қилиб, бу гал сотувга чиқарилган буюмларнинг ҳаммаси кейинги пайтларда Пекин полицияси жиноятчи унсурлардан мусодара қилган бойликдир. Балки худди ана шу нарса шаҳарликларнинг бу галги ким ошди савдосига ниҳоятда қизиқишига сабаб бўлгандир. Умумий даромад салкам 30 минг юанни ташкил қилди.

Пекин ким ошди савдоси бозори бир ярим йил олдин ташкил қилинган эди. Ўзининг расмий мақомига кўра, у «ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида ишловчи мустақил корхона»дир. Комиссион бадал одатда узил-кесил нархнинг 7 фоизини ташкил қилади. Бу ерда йўқотиб қўйиб, кейин талаб қилиб олинмаган буюмлар, касод бўлган корхоналарнинг мулки, шунингдек хитойликларнинг ва ХХРда ишлаётган чет эл фуқароларининг шахсий қимматбаҳо буюмлари сотилади. Энди бу рўйхатга нопок йўллар билан тўпланиб, суд қарори орқали мусодара қилинган мол-мулкнинг бир қисми ҳам қўшилди.

### ИСРОИЛ РЕЖАЛАРИГА ҚАРШИ

**ВАШИНГТОН. Буш маъмурияти Исроилдан унга берадиган қарзи босиб олинган араб территорияларида манзилгоҳлар қурилишига сарфланмаслиги тўғрисида кафолат олмаса, унга уй-жой қурилиши учун қарз бермайди. АҚШ давлат секретари Жеймс Бейкер шуни маълум қилди.**

**Қўшма Штатлар Исроил босиб олган ерларда, хусусан Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо секторида Исроил манзилгоҳлари қурилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги ўз баёнотларини аниқ-равшан қадамлар билан тасдиқлашга тайёр эканлигини биринчи марта намойиш қилди.**

**Ҳозирги вақтда сенатда Исроилга келаётган хорижийлар, хусусан совет яҳудийлари учун янги уйлар қурилишига 400 миллион доллар бериш тўғрисидаги қонун лойиҳаси бор.**

### ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

БУДАПЕШТ. Бу ерда Венгрия Республикаси давлат кенгашининг февраль сессияси иши якунланди.

Депутатлар кам сонли миллатларнинг парламентдаги вакиллиги муносабати билан конституцияга киритиладиган тузатишлар, мудофаа ва маориф ҳақидаги қонунларга ўзгартишлар тўғрисидаги ҳукумат тақдим этган таклифларни муҳокама қилдилар.

Депутатларнинг кўпчилик овози билан конституцияга тузатишлар қабул қилинди.

Республика президентини сайлаш тўғрисидаги масала хусусида номма-ном овоз берилди: президент республиканинг барча фуқаролари бевосита овоз бериши чоғида сайланиши керакми ёки уни парламент аъзолари сайлаши керакми? Венгрия Республиканинг давлат мажлиси президентни кўпчилик овоз билан бевосита сайлашни маъқуллади.

Депутатлар Маориф ва мудофаа тўғрисидаги қонунга тузатишларни қабул қилдилар. Маориф тўғрисидаги қонунга кўра, хусусий шахслар черковлар ва фондлар учун ўқув юртларини очиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

ВАЛЛЕТТА. Жаҳонда содир бўлаётган шиддатли ўзгаришлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХХК)да қатнашувчи 35 мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг олий даражадаги учрашувини шу йилнинг ўзидаёқ ўтказишни талаб этади. ЕХХКда қатнашувчи бир гуруҳ холис ва қўшилмаган мамлакатларнинг Мальта пойтахтида бўлган уч кунлик учрашувининг якунловчи ахборотида шундай дейилади.

Бу галги анжуманда Австрия, Кипр, Лихтенштейн, Мальта, Сан-Марино, Швейцария, Финляндия ва Югославиянинг ташқи сиёсат маҳкамалари бошлиқлари иштирок этдилар, улар Европада сўнгги вақтда содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олиб, бу қитъадаги аҳволни муҳокама қилдилар, Европадаги оддий қуролли кучлар юзасидан Венада бўлаётган музокаралардаги ишнинг аҳволини кўриб чиқдилар.

Шу йилнинг ўзидаёқ ЕХХК қатнашчилари бўлган давлатларнинг олий даражадаги учрашувини ўтказиш тўғрисидаги таклифни ўрганиб чиқиш энг муҳим масалалардан бири бўлди, деди якунловчи матбуот конференциясида учрашувда раислик қилган Мальта бош министри Эдвард Фенек Адами.

Анжуман қатнашчилари бу таклифга қўшилиб, бундай учрашувни ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўриш керак, деб таъкидладилар.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚ ЗИЁЛИЛАРИ

# ЖИЛҒА

Республикамизда 150 дан зиёд район газетаси чоп этилади. Уларда минг-минглаб касбдошларимиз тарғибот-ташвиқотнинг залворли юкини кўтариб келишаяпти. Мен районлардаги қийин шароитда ишлаётган қаламкашлар ижодини тоғ-тошдан сизиб чиқувчи қайнар булоққа қиёслагим келади. Лекин бу чашмалар ҳамма вақт ҳам кўзга ташланавермайди. Яқинда бир тасодиф туфайли Бахмал район газетаси ходими Алибой Эргашевнинг ижод намуналари билан танишиб қолдим.

Айниқса, унинг 1989 йилги ижодий маҳсули баракали. Муаллиф дадиллик билан тарихий мавзуларга ҳам қўл урган. «Ойқорликлар» номли очерклар туркумида бир хўжалик мисолида унинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида ҳикоя қилиб берган. Сангзор воҳасида юз берган тарихий ҳодисалар ҳам шу совхоз ҳаёти орқали ифодаланган. Очерк жонли мисолларга бой. Унга халқ удумлари, афсона ва ривоятлар моҳирона сингдириб юборилган. Бу эса унинг ўқимишлилигини оширган.

Ривоятда айтилишича, «Ойқор» совхози территориясида қадимда мустаҳкам қўрғон бўлган. Уни ҳеч қандай ёв ола олмас экан. Кунлар, йиллар ўтиб, яна бир ғаним бостириб келади. У ҳам кўп қийналади. Лекин бир кун подшонинг қизи сирни очиб қўяди ва қўрғон таслим бўлади. Ёв подшоси ўша қизга уйланади. Қизнинг чеҳраси очилмайди. Бир куни бунинг сабабини сўрайдилар. Шунда у: «Отам менга иликнинг ёғидан ош қилиб берарди», дейди. Бу гапни эшитган подшо: «Иликнинг ёғидан ош едирган отангга дўстлик қилмадинг, энди менга дўст бўлармидинг» деб, уни тошбўрон қилдиради. Сангзор бўйидаги уюм-уюм тошлар шундан далолат эмиш. Дарёнинг номи ҳам шундан қолган экан.

Кўриниб турибдики, муаллиф халқдан ўрганишга интилади. Ривоят ва афсоналарни, тупроқдан олтинни ажратиб олишганидек, ўз асарларига қўшиб юборади. Бундай ижодкорнинг қалами чархланиб, ўзи камолотга тўлиб бораверади. Алибой Эргашевнинг «Чуборлик фаоллар», «Сангзорлик биринчи тракторчи», «Байналмилалчи Салом ака», «Чавандозлар кўпдир бу элда», «Бахмалликлар ҳузурида», «Раҳмон чўлқувар» каби туркум очеркларида эса Бахмал воҳаси кишиларининг Улуғ Октябрь инқилоби арафасидаги, оловли йиллар ва ундан кейинги даврдаги ҳаёти қаламга олинган.

Шу жиҳатдан «Байналмилалчи Салом ака» очерки айниқса характерлидир. Уни ўқиган киши турли миллат кишилари дўст ва аҳил бўлсаларгина ҳар қандай мушкулни ҳал қила оладилар, деган хулосага келади. «Сангзорлик биринчи тракторчи» очеркида ҳам шу ғоя ривожлантирилган. Унда рус йигити Михаил билан ўзбек ўғлони Усмон Қўлдошев дўстлиги ҳикоя қилинган.

Алибой Эргашевнинг «Фозил шоир», «Покиза инсон, фидойи раҳбар» сарлавҳали очерклари ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.

Изланувчан журналист ижодининг яна бир қирраси бор. У ҳамиша ўқиб-ўрганади, истеъдодли қалам соҳибларига эргашишга интилади. Аммо буни тақлид деб тушунмайди. Балки танқидий ёндашиб, ўзидан «нимадир» қўшишга интилади. Масалан, Ғаллаорол районидаги «Меҳнат байроғи» рўзномасининг 1989 йил 8, 10 ва 13 июнь сонларида «Давлат архивидан туркум хабарлар» умумий сарлавҳаси билан бир йўла 25 та хабар эълон қилинган. Улар замон, давр жиҳатидан бир-бирини тўлдиради. Хабарлар муқаддима билан бошланиб хулоса билан якунланади. Бахмал районидаги «Ғалаба байроғи» рўзномасида эса умумий сарлавҳа остида 40 та туркум хабар берилган. Бу матбуотда ўзига хос янгиликдир.

Журналистикага сидқидилдан меҳр қўйган, унинг барча оғир сўқмоқларига бардош берган, қийинчиликларни енгиб ўтган киши бу касбда ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Алибой Эргашев чорак асрдан буён ана шунга эришиш мақсадида интилиб яшаяпти. У ҳаётдаги янгиликларнинг, бунёдкорлик ишларининг, муҳим ўзгаришларнинг жарчиси ва тарғиботчиси бўлишга ҳаракат қилмоқда. Мен Бахмал бағридан отилиб чиқаётган бу ижод жилғасига янада тиниқлик ва жўшқинлик тилайман.

**Ш. ЖАББОРОВ.**

